



MILLIY TIKLANISH

38 (359) ● 2015 йил 23 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

“Банк кредитлари — хунармандларга” лойиҳаси
партия электоратини қўллаб-қувватлашда
муҳим аҳамият касб этмоқда

“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги
қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижросини
ўрганишда ЎЗМТДП фракцияси фаол қатнашди

ЎЗМТДП Наманган вилоят кенгашида
11 минг 500 аъзони бирлаштирган
343 БПТ фаолият юритади



Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 22 сентябрь кўни Оқсаройда Корея Республикаси Экспорт-импорт банки (Эксимбанк) президенти Ли Дук Хунни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама ва изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидан кейин илк давлат ташрифи билан жорий йилнинг май ойида Корея Республикасига борди. Ушбу ташриф ўзаро манфаатли серқирра ҳамкорлигининг микёси ва истиқболларини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси Эксимбанки ўртасидаги инвестициявий шериклиқни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар ташриф доирасида “Асака” акциядорлик тижорат банки билан Эксимбанк ўртасида 160 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит тақдим этиш бўйича банклараро битим имзоланишини юқори баҳолади.

Мамлакатимизда стратегик лойиҳаларни ҳаётга татиқ қилишда иштирок этаётган Корея Республикаси Эксимбанки Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч океани минтақасидаги асосий шерикларидан биридир. 1999 йилдан бундан Ўзбекистонда мазкур банк маблағлари ҳисобидан 935 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар амалга оширилди. 2012 йилдан бундан умумий қиймати қарийб 1,2 миллиард доллорлик лойиҳалар амалга оширилмоқда, яна 900 миллион доллар миқдоридаги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Эксимбанк Сурғил қони негизида бунёд этилаётган Ўсторт газ-кимё мажмуасининг асосий кредиторларидан бири эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Банк бу йирик лойиҳага бир миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган.

Ли Дук Хун самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Эксимбанк Жанубий Корея ишбилармон доиралари қаторида Ўзбекистон билан ўзаро фойдали ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗМТДП ёшлари



Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!

ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ўтказган фестивал ёшларни ушбу гоя атрофида жамлади

Бугунги кун ёшлари ҳар соҳада фаол. Мамлакатимизда навқирон авлоднинг истеъдод ва салоҳиятини юксалтириш, рўйбега чиқаришга қаратилган юксак эътибор тўғрисида уларнинг маънавий дунёқарашини, ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги тобора ошиб бормоқда.

> 2-бет.

Партия ва электорат

Янги лойиҳа

электорат манфаатларига хизмат қилади

Мутахассислар ёшларни Интернетнинг зарарли хусусиятларидан ҳимоялашнинг яхши усули — кучли таълим-тарбия асосида ёш авлоднинг соҳага оид саводхонлигини ошириш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш эканлигини таъкидлашади. Шу билан аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг тезкор, ҳолис ва ишончли ахборотга эга бўлишини таъминлаш бугун мамлакатимизда ягона миллий ахборот маконини шакллантиришнинг муҳим шартидир. Бу, айниқса, ёшларимизнинг пухта билим эгаллаши, касб-хунар сирларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилган.

“Миллий тикланиш” газетасининг 2015 йил 9 сентябрь сонидида эълон қилинган “Ёш авлод камолоти йўлида партия ташкилоти билан ҳамкорликка тайёрмиз” сарлавҳаси остида берилган бешариқлик фаол маҳалла раисининг фикрлари эътиборга молик. Электоратимиз вакилининг жонқуярлик билан билдирган мулоҳазаси ҳудудда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” концепцияси самарали ташкил этилгани, бу борада партиямиз амал-

га ошираётган саъй-ҳаракатлар бесапар кетмаётганидан далolat беради. Демак, аҳоли ўртасида партиямиз дастурий мақсад-вазифаларига ишонч тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида ёшларимиз қалби ва онгини турли зарарли гоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий истиқлол гояларига садоқат ва Ватанга муҳаббат руҳида камол топтириш долзарб вазифалардан биридир. ЎЗМТДП Фарғона вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида ёшларни ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш, уларни замонвий ахборот технологияларидан унумли фойдаланишлар-

рини таъминлаш, турли ахборот хуружларидан ҳимоя этиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, айни пайтда вилоятимиз ҳудудида “Барқарор миллий ахборот макони — мустаҳкам тараққиёт пойдевори” лойиҳасини амалга оширяпмиз. Мазкур лойиҳа доирасида ҳали Ziyonet тармоғи фаолияти йўлга қўйилмаган таълим муассасалари фаолияти ҳам ўрганилмоқда. Ушбу миллий ахборот-макони ишга тушириш борасида партия гуруҳлари билан бирга тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эзу ишларни партия хайрихоҳлари ва сайловчилар қўллаб-қувватлаётир.

ЎЗМТДПнинг ёшларга яратиб бераётган бундай имкониятини жойларда электоратимиз вакиллари бўлган ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ижобий баҳоламоқда. Яқинда Бешариқ туманида ҳам ана шу мавзуда тадбир ўтказилади. Унда электоратимиз фикр-мулоҳазалари албатта инobatга олинишига, ўзаро ҳамкорликда ёшларнинг кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларга ечим топилишига ишонамиз.

Жамшид РУСТАМОВ,
ЎЗМТДП Фарғона вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси

Ташаббус натижа берди

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ қабул қилинган чора-тадбирлар Дастурида демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавият, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга, ватанпарвар йигит-қизларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш ҳамда ёш авлоднинг ижтимоий ҳимоя қилиш каби устувор вазифалар белгиланган.

Фаол ўқувчилар рағбатлантирилади

бу халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи саъй-ҳаракатларининг натижасидир

Бу, ўз навбатида, барча давлат ва жамоат ташкилоти, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи ҳам бу йўналишда партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни самарали амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган”


белгиси остидаги маҳсулотлар сони ортишида ЎЗМТДП янада фаол ҳаракат қилиши зарур
> 2-бет.

Аллома мероси — бебаҳо хазина

Шарқ ва Фарбни боғлаган, цивилизациялар туташган юртимиз ҳудудида қадимдан илм-фан, маданият кенг ривож топган
> 5-бет.

Жазоир парламенти:

хотин-қизларга кенг ўрин берилмоқда



> 7-бет.

Мўъжиза яратаётган қўллар

...Чет эллик меҳмон кўргазмага қўйилган чиғанок, қовоқ, қамиш ва сомондан тайёрланган бежирим буюмларга узоқ тикилиб қолди



> 8-бет.



“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!

ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ўтказган фестивал ёшларни ушбу гоа атрофида жамлади

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бу эса келажак эгаларини мамлакатимиз тараққиёти ва юрт равнақи-га муносиб ҳисса қўшишга ундаёт-ир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йил-лигига бағишлаб ўтказилган "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" шiori остидаги фестивал самарқандлик иқтидорли, ташаббускор ва фаол ёшларни бирлаштирди. Зеро, бундан кўзланган мақсад ҳам ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик гояларига садоқат, кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни юрт тараққиёти йўли-да бирлаштириш, юртимизда амал-га оширилаётган кенг кўламли ислохотларга дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш, улар онгини маънавиятимизга ёт гоялар таъсиридан асрашга қаратилган.

Фестивал иштирокчилари дастлаб Оқдарё педагогика коллежида жам бўлишди. Унда ЎЗМТДП Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, ташаббускор, истеъдодли ижодкор ёшлар иштирок этди.

Оқдарё туман ҳокими Нурали Бердибоев истиқлол йилларида навқирон авлод вакилларига қаратилаётган юксак эътибор, мустақил юрт фарзандлари эришаётган натижалар, ёш авлоднинг миллий кадриятларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган сай-ҳаракатлар жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси илгари сураётган ташаббус ва лойиҳаларга ҳаётийлиги ва долзарблиги билан ёшлар қалбидан чуқур жой олаётганини таъкидлади.

Фестивалда ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Субҳон Аббосов сўзга чиқди.

— Бугун мамлакатимизда барча соҳани демократлаштириш, модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида эртанги кун эгалари — ёшлар фаол иштирок этмокда, — деди С. Аббосов. — Мамлакатимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгал-



лаши ва ўз танлаган соҳаси билан шугулланиши, истеъдодини намоён этиши учун яратилган шарт-шароитлар уларни янги марралар сари руҳлантираётир. Ёшлар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган 20 дан ортқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур ислохотларга ҳуқуқий асос бўлмокда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмокда. Ёшлар орасида ўтказилаётган турли кўрик-танлов, конференция ва анжуманлар иқтидорли йигит-қизларни кашф этиш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш ва партия сафини сиёсий-ҳуқуқий билимдон ёшлар билан кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Бугунги фестивал ҳам юзлаб ёшларни ушбу эзгу мақсад атрофида бирлаштирди.

Тадбирда ушбу фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — партия гоа-мақсадларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, навқирон авлоднинг "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан асраш, уларни миллий кадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашдан иборат экани таъкидланди. Айниқса, фестивалнинг туман ва шаҳарлар, чекка қишлоқ ва маҳаллаларда Давлат му-

кофотлари совриндорлари, депутатлар, ёш олимлар ва мутахассислар, таникли шоир ва ёзувчилар, санъат усталари, спортчилар иштирокида ўтказилаётгани ҳам унинг оммавийлигини оширмокда. Шу боис тадбирларда минглаб йигит-қизлар фаол иштирок этаётир.

Фестивал доирасида туман ёшлари иштирокида "Ижтимоий хавфли ва зарарли иллатларга қарши курашишда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги" мавзусида учрашув ташкил этилди. Бунда мутахассислар, ёшлар ва ота-оналар фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди.

— Учрашув доирасида ёшларни ёт иллатлардан ҳимоя қилишга қаратилган видеофильмнинг намоиши этилган аини мудида бўлди, — деди Оқдарё педагогика коллежи директори, ЎЗМТДП фаоли Сафхон Саъдуллаев. — Тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаш, турли ёт иллатларга, мафхуравий тахдидларга қарши курашишга қаратилган бу фильм ёшларимизни яна бир бор огоҳлик ва ҳушёрликка ундади. Келажакимиз ворисларига миллий кадриятларимизга ҳурмат, улар қалбиди миллий гурур туйғусини уйғотиш мақсадини муҳассам этган "Миллий ўйинчоқлар" кўргазмаси ҳам иштирокчиларда катта таассирот қолдирди. Фарзанд тарбияси ва ёшлар маънавиятини юксалтиришда миллий ўйинчоқларнинг аҳамияти беқиёс эканини кўргазмага қизиқиш билдираётганлар кўплигидан ҳам билиш қийин эмас.

Туман марказий спорт ўйингоҳида бўлиб ўтган ушбу кўргазмада халқ амалий санъати ва хунармандчилигимиз маҳсулотлари намоиши этилди.

Шундан сўнг тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Маънавият тарғибот маркази ва Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида "Истиқлолни куйлайман" мавзусида шеърй асарлар кўрик-танлови ҳамда спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча худудидан иқтидорли ва ташаббускор ёшлар иштирок этди. Улар орасида Зулфия Ахорова ҳам бор. У қаратэ бўйича жаҳон чемпионати иштирокчиси.

— Ўтказилаётган бундай тадбирлар биз ёшларни келгусида янада юксак марралар сари илҳомлантиради, — дейди у гурур билан. — Хар биримизни юрт қорига камарбаста бўлиш, бизни кўллаб-қувватлаб турган мамлакатимиз, халқимиз, устозларимиз ва ота-онамиз ишончини оқлаш, Президентимиз айтганидек, маррани баланд олиб яшашга ундайди.

— Яқинда бўлиб ўтган "Юксак маънавият авлод" фестивалининг республика босқичида голиб бўлдим, — дейди Оқдарё хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Илёс Хамроқулов. — Бу муваффақиятдан руҳланиб, ўз олдимга янада улкан мақсадларни қўйдим. ЎЗМТДП дастури ва гоаявий мақсадлари билан яқиндан танишман. Партиянинг ёшларни кўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳаларида тенгдошларим, дўстларим билан фаол иштирок этиб келмокдамиз. Бундан кейин ҳам партия "Ёшлар қаноти" сафида туриб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида муносиб иштирок этишга бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

"Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" шiori остидаги фестивал тадбирлари Иштихон туманида ҳам юқори савияда ўтди. Таникли санъат усталари томонидан Ватан, истиқлолни маҳд этувчи куй ва қўшиқлар ижро этилди. Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, маънавий камолотига хизмат қилувчи лойиҳалар асосидаги тадбирлар ҳам фестивал кун тартибидан жой олди. Фаол иштирокчилар ЎЗМТДП Самарқанд вилоят кенгаши томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат минбари

Президентимиз 2015 йил 23 январь кун Олий Мажлис палаталарининг қўшма ййғилишидаги маърузасида "...палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усулларини татбиқ қилиш, жумладан, давлат бюджетининг замонавий ижросини назорат қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш муҳим вазифалардан биридир" деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг шакллантирилиши ва уларнинг ижросини назорат қилиш парламент назорати фаолиятининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Давлат бюджети ижроси муҳокамаси

парламент назоратининг муҳим омили

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, депутатлар бирлашмалари ййғилишлари ва палата мажлисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳокама қилинди. Муҳокамалар чоғида жорий йил 16 январда бўлиб ўтган ҳукумат мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ва устувор йўналишларини амалга оширишга эътибор қаратилгани қайд этилди. Шунингдек, иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқларини ўрта муддатли ривожлантириш дастурлари давом эттирилгани шу йилнинг биринчи ярмида асосий макро-иқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, мамлакатимиз иқтисодиётини янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиш имконини бергани таъкидланди.

Хусусан, биринчи ярим йиллик якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,1, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,5, чакана савдо айланмаси 14,8, пуллик хизматлар ҳажмининг 10,4 фоизга ўсишига эришилди. Таъкидландики, ҳисобот даврида иқтисодиётдаги таркибий ва сифат ўзгаришлар ҳамда ижобий тенденциялар нафақат унинг барқарор ва балансли ривожланишини таъминлади, балки аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишига салмоқли туртки бўлди, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлади. Бу эса, ўз навбатида, Давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этиш имконини берди.

Пухта ўйланган пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати амалга оширилгани Давлат бюджети даромад қисмининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан ижросини 100,3 фоизга таъминлади. Бу эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23,6 фоизни ташкил қилди.

Давлат бюджети ижросини муҳокама қилиш давомида депутатлар бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратишди. Шунини айтиш кераки, бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинмокда. Яъни Давлат бюджет харажатлар қисмининг 59,2 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланди. Ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 57,8 фоизи таълим тизимини молиялаштиришга, 23 фоизи эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган. Демак, Давлат бюджети харажатларининг асосий қисми фан, таълим, маданият, спорт ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга, фуқаролик жамияти институтларини кўллаб-қувватлашга йўналтирилмокда. Шунингдек, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда

бошқа биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, Давлат бюджетининг газна ижросини ва самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги эътироф этилди. Бу эса "ўзбек модели"нинг тамойилларидан бири — кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

Давлат бюджетининг жорий ярим йилликдаги ижроси ЎЗМТДП фракцияси аъзолари томонидан ҳам қизгин муҳокама қилинди. Фракциядошларимиз жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, санокли давлатлар қаторида мамлакатимизда сўнгги ўн йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган оқилона сиёсатнинг натижаси эканлигини таъкидлади. Бюджет ижроси муҳокамасига ЎЗМТДП сайловолди Платформаси ҳамда партиямиз электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. Жумладан, худудлардаги маданий мерос объектларини сақлаш, таъмирлаш ҳамда уларга сайёҳларни жалб этиш масалаларига давлат ва маҳаллий бюджетлар доирасида қай даражада эътибор қаратилаётгани фракциямиз аъзолари диққат марказида бўлди. Шунингдек, фракциямиз аъзолари жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунки ЎЗМТДП сайловолди Платформасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Тақдим этилган маълумотларга кўра, ҳисобот даврида бу борада муайян ишлар амалга оширилган.

Муҳокамалар чоғида жойларда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини таъминлаш ва бу соҳада яратилган имтиёзлардан унумли фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, иқтисодий муҳитни бозор талаблари даражасида ташкил этиш, худудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича инвестицион фаолиятни фаоллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш, бюджетлараро муносабатларни оптималлаштиришга оид фикр-мулоҳазалар илгари сурилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, биз, депутатлар Давлат бюджет ижросини нафақат назорат қилиш, балки ундан мақсадли ва оқилона фойдаланишни жойларда тарғиб қилишимиз, қолаверса, бюджетдан маблағ олувчи муассасалар учун турли семинарлар ўтказишимиз даркор. Зеро, Давлат бюджетни маблағларидан мақсадли, оқилона фойдаланиш соҳалар ривож, худудлар тараққиёти, халқ фаровонлиги, мамлакатимиз равнақи ва иқтисодиётимиз барқарорлигига муҳим ўрин тутди.



Сиддиқ НОМОЗОВ,
ЎЗМТДП
фракцияси аъзоси

Партия лойиҳаси — амалда

Хунармандлик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий кадриятларимизнинг ўзига хос кўринишидир. Мамлакатимизда собиқ тузум даврида хунармандчилик, тадбиркорлик тақиқ ва таъқибга учраган пайтларда ҳам ота-боболаримиз шу хунар орқасидан оила тебратган, 3-4-юртишгиларга ҳурмат ва эъзоз сусаймаган. Истиқлол шарофати билан хунармандларнинг кўксига шамол теги.

Бу эзгу анъана янгича маъно-мазмун касб этиб, асрлардан мерос халқ амалий санъати ва миллий хунармандлик жадал ривожланмокда. Қолаверса, миллий хунармандлик маҳсулотлари халқимизнинг бой кадрият ва анъаналарини дунёга кенг танитишнинг ўзига хос воситасидир. Бугун мустақил юрт хунармандларининг меҳнат маҳсули, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги маҳсулотлари дунё кезмокда, халқаро кўргазмаларда халқимизнинг миллий кадриятлари, анъана ва урф-одатларини намоён қилишда муҳим оми бўлаётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларга яқин кўмақдош бўлишни мақсад қилган. Партия мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали кўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга кўмақдош бўлиб, Ўзбекистонда миллий манфаатлардан келиб чиқиб олиб борилаётган фаол ташқи иқтисодий стратегияни кўллаб-қувватлайди. ЎЗМТДП "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хар жалатдан кўллаб-қувватлаш, миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан муҳофаза этиш ва қулай сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш тарафдори. ЎЗМТДПнинг бу борадаги турли лойиҳалари мазкур мақсад-вазифаларни

“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган”

белгиси остидаги маҳсулотлар сони ортишида ЎЗМТДП янада фаол ҳаракат қилиши зарур

амалга ошириш билан бирга партия сафига илғор маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, маҳоратли хунармандларни жалб қилишга хизмат қилмокда.

Хусусан, бир неча йиллардан буён Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Марказий банк ва "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳасини ўтказиб келмокда. Бунинг самарасида юртимизнинг барча худудига юзлаб хунарманд ва оилавий тадбиркорлар имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар эга бўлмокда. ЎЗМТДП сайловолди Платформасини амалга ошириш, партия электорати бўлган хунармандларни кўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, уларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш, банк имтиёзли кредитларини олишга кўмаклашишни мақсад қилган ушбу лойиҳа 2013 йилдан Сурхондарё вилоятида ҳам амалга оширила бошланган эди. Лойиҳа доирасида 12 хунарманд ва тадбиркорга 1 миллиард 37,7 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Ҳўш, ушбу маблағни қўлга киритганлар бугун қай даражада фаолият юритмокда? Партия кўмаги улар фаолиятида қандай аҳамият касб этди?

Бу саволга ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Сайдулла Абдураимов шундай жавоб берди:

— Партиямизнинг ушбу йирик лойиҳаси сурхондарёлик маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва хунармандлар фаолиятини ривожда муҳим ўрин эгаллади, дейишча барча асосимиз бор. Фикримиз далили сифатида ушбу лойиҳада ўз бизнес-режаси билан иштирок этиб, 250 миллион сўм имтиёзли кредитга эга бўлган "Камозул Сайди" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини намуна сифа-

тида келтириш мумкин. Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу кичик корхона 2001 йилда Собир Маматраимов ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 45 ишчисига эга. Корхона ишчиларининг 30 нафари ёшлар, улардан 18 нафари интилувчан коллеж битирувчилари экани қорхонанинг самарали фаолиятида муҳим омил бўлмокда. Корхонада замонавий технологиялар асосида 15 хил турли ўлчамлардаги чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Улар маҳаллий бозорда анча хариддоригр. Жорий йилнинг 28-29 апрель кунлари Термиз шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуасида ташкил этилган худудий саноат ярмаркасида ушбу корхона 250 миллион сўмлик шартномалар имзолашга эришди. Шунингдек, қорхона раҳбари Президентимиз соврини учун анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Ташаббус — 2015" кўрик-танловининг шаҳар босқичида "Энг яхши тадбиркор" йўналишида 1-ўринни, вилоят босқичида эса "Ёшларга иш берган энг яхши тадбиркор" номинациясини қўлга киритди. Эътиборлиси, қорхона ходимлари партия вилоят кенгаши билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Қорхона қрошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти эса аҳоли орасида ЎЗМТДП гоа ва мақсадларини тарғиб қилишда алоҳида фаоллик кўрсатаётир.

— Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш, миллий хунармандлиқни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар фаолиятимиз ривожда муҳим оми бўлаётир, — дейди қорхона раҳбари, ЎЗМТДП фаоли Собир Маматраимов. — Қорхонамизда 15 турдаги чарм, пойабзал ва 30 турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрланади. Энг муҳими, бу маҳсулотларни жаҳон бозорлари талабларига жавоб бера оладиган қилиб тайёр-

лаш ва хорижга экспорт қилишни режалаштиряпмиз. Қорхонамиз йилига бир миллиард сўмлик товар ишлаб чиқариш қувватига эга. Олдимизга қўйган асосий мақсадимиз — маҳсулотларимизнинг тури ва сонини ошириш, кичик савдо шохобчалари фаолиятини йўлга қўйиб, уларни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан тўлдириш. Бу эса янги иш ўринлари ташкил этишга ва халқимиз фаровонлиги зиёда бўлишга хизмат қилади. Қолаверса, қорхонамиз ривожда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган "Банк кредитлари — хунармандларга" лойиҳаси ҳам муҳим аҳамият касб этди. Сабаби ушбу имтиёзли кредитни қўлга киритганимиздан сўнг қорхона фаолияти тубдан ўзгарди. 2001 йилда бу кичик қорхонани ташкил этганимизда 12 ишчимиз бор эди, бугун улар 45 нафарга етди. Яқинда экспортбоқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида малакали мутахассисларни жалб қилиб, замонавий технологияларни ишлатиш бўйича ўқувлар ташкил этдик. Бунда ҳам партия Сурхондарё вилоят кенгаши бизга яқиндан ёрдам берди.

Биз партия лойиҳасининг амалдаги ижросини биргина қорхона мисолида таҳлил қилдик, холос. ЎЗМТДПнинг мазкур йирик лойиҳаси орқали мамлакатимизнинг барча худудиди ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ёҳуд ўз ишини янада кенгайтирган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркор ва хунармандлар кўпчилиқни ташкил этади. Улар партия сайловолди Платформасида иқтисодиёт соҳасида белгиланган мақсад-вазифалар рўёбига муносиб ҳисса қўшиб, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги маҳсулотлар сони ортишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Наманган вилояти: ЎЗМТДП ғоялари тарғиботи

партия ташкилотлари фаолиятининг бош мезони

Фаолият

Электорат ишончини қозониш

энг муҳим ва асосий мақсад

ЎЗМТДП мақсад-ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш, унинг аҳоли орасидаги нуфузини ошириш, электорат ишончини қозониш худудий ташкилотларининг самарали фаолиятига беvosита боғлиқ. Буни Наманган вилоятида партия худудий ташкилоти ва гуруҳлари аралашуви билан ҳал этилган масалалар, партия аъзолари сафининг тобора кенгайётгани, бошланғич партия ташкилотлари сонининг кўпаяётганида ҳам кузатиш мумкин.

Вилоятда бугун 11 минг 500 га яқин ЎЗМТДП аъзоси бор. Уларнинг ярмидан кўпрогини ёшлар ташкил этади. Партия ташкилотлари ўтказаятган тадбирлар ва давра суҳбатлари партия сафига билимли, кенг дунёқарашга эга, ватанпарвар ёшларни жалб этишда муҳим омил бўлаётир. ЎЗМТДПнинг хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни хунармандликка, тадбиркорликка кенг жалб этиш йўналишидаги лойиҳалари эса партия сафидаги аёллар сонининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Наманган вилоятидаги партия аъзоларининг 42 фоиздан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этаётгани фикримизга яққол далил бўла олади.

Тадбирлар таъсирчан ва қизиқарли ўтишига ҳаракат қилинаётгани, партия дастурий мақсад-ғояларининг миллий менталитетимизга ҳамоҳанг ва уйғун экани жойларда бошланғич партия ташкилотлари сонининг кўпайишида алоҳида аҳамиятга эга бўлаётир.

тир. Хусусан, ўтган ярим йилликда 19 янги қуйи бўғин ташкил этилди. Айни пайтда вилоятда 343 қуйи бўғин фаолият кўрсатаётир. Бу ЎЗМТДП ғояларини янада кенг тарғиб-ташвиқ қилишда муҳим восита вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, аҳолининг партияга ишончини мустаҳкамлашда кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти беқиёс. Шу нукта назардан аҳоли ҳар бир соҳага миллий манфатлардан келиб чиқиб ёндашган ЎЗМТДПга ишонч билдирмоқда. Ўтган йилги парламент сайлови натижалари буни яна бир бор исботлади. Наманган вилоятида партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, маҳаллий Кенгашларга эса 56 депутат сайланди. ЎЗМТДП халқ депутатлари Наманган ва Чортоқ туман Кенгашларида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу партиянинг мазкур туманлардаги ташкилотлари жойлар-

да нисбатан самарали фаолият олиб бораётганидан далолат беради.

— Вакиллик органларида муносиб ўрин эгаллаш партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда муҳим восита вазифасини ўтайди, — дейди ЎЗМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси Одилжон Мамадалиев. — Ўтган давр мобайнида партия гуруҳларимиз сайловолди Платформада белгиланган дастурий мақсад-вазифалар ижросига қаратилган қатор ташаббус-масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида олиб чиқиб, қарорлар қабул қилинишига эришилди. Хусусан, партия гуруҳимиз ташаббуси билан жорий йилнинг 26 май куни халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига “Наманган вилоятидаги моддий-маданий мерос объектларининг сақланиши ва улардан фойдаланиш” борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала олиб чиқилди. Айнан шу масала халқ депутатлари Косонсой, Поп ва Учқўрғон туман Кенгашларида бўлиб ўтган сессияларда ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Асосий мақсад — партия сайловолди Платформасида белгиланган мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шахарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали

чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш каби вазифаларни рўйбга чиқариш.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимизнинг доимий диққат-эътиборида. Хусусан, партия гуруҳларимиз ташаббуси билан оилавий тадбиркорлик, хунармандликни ривожлантириш воситасида аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган ташаббус-масалалар бир неча бор маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама этилди. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ ташаббуслар халқ депутатлари Чуст, Наманган ва Косонсой туман Кенгашлари сессиясига олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу каби саъй-ҳаракатлар партиянинг аҳоли турмуш фаровонлигини, ҳаёт даражасини бундан-да яхшилашга қўмаклашиш, партия нуфузини ошириш каби мақсад-вазифалари ижросига хизмат қилаётгани янада аҳамиятлidir.

Азамат ҚОСИМОВ,
ЎЗМТДП Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Партия аралашгач...

Савдо дўкониди тўлов терминали ўрнатилди

бу қишлоқ аҳолиси учун қулайлик яратмоқда

Наманган тумани “Хонобод” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги савдо дўкониди тўловлар, асосан, нақд пулда амалга ошириларди. Бу эса аҳоли учун анча қийинчилик туғдирарди. Бойси, қўлчилик ойлик ва нафақаларини пластик карточкада олар, уларни ишлатиш учун эса қишлоқда имкон йўқ эди.

Худуд аҳолиси савдо дўконига тўлов терминалини ўрнатиш ҳақида бир неча бор мутасадди идораларга мурожаат қилди. Мурожаатларда фуқаролар йиғини туман марказидан анча узоқ экани, пластик карточкалар орқали савдо қилиш бўйича шу ернинг ўзида ҳам барча имконият борлиги, худудда яшаётган аҳолининг аксарияти ойлик маошларини пластик карточкаларга тушириб олаётгани хусусида сўз борган. Афсуски, хонободликларнинг бу муаммоси ўз вақтида бартафрак этилмади. Шундан кейин қишлоқ аҳолиси Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Наманган туман кенгашига ёзма мурожаат қилди. Туман кенгаши эса мазкур масала ҳақида шу худуддан халқ депутатлари Наманган туман Кенгашига сайланган депутат Турсунпўлат Усмоновни хабардор қилди.

— Сайлов вақтида биз овоз берган, қўлчиликнинг ишончини қозонган депутат сўзининг устидан чиқди, — дейди хонободлик 70 ёшли отахон Хусан ота Қўчқоров. — Турсунпўлат Усмоновнинг саъй-ҳаракати билан энди қишлоғимиздаги савдо дўкониди ҳам пластик карточка орқали савдо қилиш имконияти пайдо бўлди. Бу, айниқса, биз каби қариялар учун катта қулайлик яратди. Энди гўштини ҳам, картошка-пиезни ҳам шу дўкондан сотиб оламиз. Рўзғоримиз маҳсулотлар учун туман марказига бориб келишга ҳожат қолмади.

Партиянинг қишлоқдаги савдо дўконини тўлов терминали билан таъминлашга қўмаклашгани хонободликларнинг ЎЗМТДПга бўлган ишончини мустаҳкамлагани шубҳасиз. Бойси қишлоқ аҳоли партия туман кенгашига яна бир масала — қишлоқ йўлларини таъмирлаш юзасидан мурожаат қилди. ЎЗМТДП туман кенгаши тавсиясига кўра, Турсунпўлат Усмонов қишлоқ худудидаги йўлларни таъмирлаш ва унинг атрофини янада ободонлаштириш масаласи билан шугуллана бошлади. Депутат дастлаб, фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлашди. Кейин туман йўл қурилиш бўлимига депутатлик сўрови юборди. Мазкур ташкилот Хонобод қишлоғидаги йўллар ҳолатини ўрганиб чиққанидан кейин 5 километрли йўлни капитал таъмирлашга киришилди.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги барча даражадаги партия ташкилотларининг саъй-ҳаракати билан қишлоқ йўлларини таъмирлаш ва унинг атрофини обод қилиш йўналишида мутасадди идораларга жами 10 га яқин депутатлик сўрови юборилди ва уларнинг аксарияти ижобий ечим топди. Аҳоли таклиф ва тавсиялари асосида ишлаш йўналишида партия гуруҳлари билан ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Натيجад, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролар мурожаатлари асосида 60 масала ижобий ҳал этилган бўлса, доимий комиссиялар йиғилишларига 30 таклиф олиб чиқилди. Бу вилоятдаги партия ташкилотларининг аҳоли билан ҳамаиона алоқаси, уларнинг орзу-истакларидан бо-хабарлиги, аҳолининг таклиф ва тавсияларини ҳал этишда жонбозлик кўрсатаётганидан далолат беради. Партия ташкилотларининг ана шу мезон асосида фаолият кўрсатаётгани ЎЗМТДПнинг аҳоли орасида сиёсий куч сифатидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Бошланғич партия ташкилотининг муайян масала юзасидан ишлари сурган ташаббусларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида қўллаб-қувватланиши унинг фаолият самарадорлигини белгилайди. Қуйи бўғин ташаббуси ҳақида ҳаётий ва долзарбдир. Чунки бошланғич партия ташкилотлари беvosита аҳоли орасида бўлиб, бу уларга электоратни ўйлантираётган масалалар, қувонч ва ташвишларидан хабардор бўлиш имконини беради.

Қуйи бўғин ташаббус билан чиқди

бу унинг аҳоли ва хайрихоҳлар билан янада яқинлашишига хизмат қилаётир

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси тизимида ана шундай бошланғич партия ташкилотлари кам эмас. Косонсой туман марказий шифохонаси қошидаги қуйи бўғин фаолияти бунга мисол бўла олади. Яқинда мазкур бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан партия гуруҳи воситасида халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши сессиясига тумандаги моддий-маданий мерос объектларининг сақланиши ва улардан фойдаланиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни янада қулайитириш тўғрисида масала киритилди, тегишли қарор қабул қилинди.

— Косонсой — вилоятимизнинг энг қадимий гўшаларидан бири, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Алихон Атамов. — Бу ерда қадимдан илм-фан, маданий гуллаб-яшнаган. Косонсойлик хунармандлар ясаган турли-туман буюмлар, қўлчилик маҳсулотлари маълум ва машҳур. Туман марказий шифохонаси қошидаги қуйи бўғин ташаббуси билан худуддаги осори-атикаларни асраш ва келгуси авлодга етказишга қаратилган ташаббус-масала юзасидан халқ депутатлари туман Кенгаши қарор қабул қилди. БГПнинг бу ташаббуси навқирон авлод вакилларига худудимизнинг қўнча ва бой тарихини чуқур ўрганиш, уларни асраб-авайлашга беvosита хизмат қилади. Бу Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни қўз қорачиқдек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада қўлайитиришга қўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни қамол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аънаваларига ҳурмат руҳини сингдириш каби мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади.

Бошланғич партия ташкилоти фаолият бошлаганига қўп вақт бўлгани йўқ. Қуйи бўғин 2013 йилда 11 аъзони бирлаштирган бўлса, бугун улар сони 200 дан иборат.

— Партиянинг дастурий мақсад-ғояларини кенг оммага етказиш, партия нуфузини ошириш, аҳоли илчига янада чуқурроқ кириб бориш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, партия ташкилоти ва депутатлар воситасида маҳаллий ижро ҳокимиятларига етказиш қуйи бўғин зиммасидаги асосий вазифалардан саналади, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Нилуфар Жўраева. — Биз қандай тадбир ўтказмайлик, иш юритмайлик ана шу масъулятни доим ҳис қиламиз. Тадбирларда партияимизнинг миллий кадриятларни асраб-авайлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилиш ва туризмни ривожлантириш борасида ўз зиммасига олган вазифалар мазмун-моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Бошланғич партия ташкилотининг маҳалла фуқаролар йиғини билан доимий ҳамкорлиги, тарғиботнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланаётгани тадбирлар таъсирчанлигини оширмоқда. Бу жараёнга ёшлар ҳам кенг жалб этилмоқда. Бу эса партия ғояларини навқирон авлод вакиллари ўртасида ҳам оммалаштиришга хизмат қилаётир. Масалан, қуйи бўғиннинг ташаббуси билан ўтказилган “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Оилада тиббий маданиятни ошириш”, “Миллий тикланиш — миллий юксалиш сари”, “Соғлом бола — буюк келажақ таянчиги” каби мавзулардаги давра суҳбатлари ва семинарларида ҳам ЎЗМТДП ғоялари тарғиботида кенг ўрин ажратилаётир. Бу эса ЎЗМТДП мақсад-ғояларини кенг аҳоли ҳақида энг чекка худудларгача кириб боришига хизмат қилмоқда.



Фаолият: факт ва рақамларда

✓ Наманган вилоятида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 11 минг 500 га яқин аъзоси бор

✓ Партия аъзоларининг ярмидан кўпрогини ёшлар ташкил этади

✓ Вилоятда 343 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда

✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 56 депутат сайланган

✓ Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролар мурожаатлари асосида 60 масала ижобий ҳал этилиб, доимий комиссиялар йиғилишларига 30 таклиф олиб чиқилди

✓ Вилоятдаги барча даражадаги партия ташкилотлари ЎЗМТДП ғоялари тарғиботида қаратилган 471 тадбир ўтказди. Унда 50 миндан зиёд киши иштирок этди

Давра суҳбати

Фаол ва ташаббускор ёшлар

ЎЗМТДПнинг доимий эътиборида

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш миллий тараққиётимизнинг муҳим омилларидан бири сифатида белгиланган. Партиянинг қатор лойиҳалари ёшларни шу руҳда тарбиялашга хизмат қилмоқда. Жумладан, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилаётган “Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони”, “Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида” каби лойиҳалар юзлаб иқтидорли ёшларни кашф этди. Бу эса партия сафини соғлом ва мустақил тафаккурли, юксак маънавиятли авлод ҳисобига кенгайиб боришида муҳим аҳамият касб этаётир. Наманган вилоятида ЎЗМТДП фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган ёшларнинг бир гуруҳини суҳбатга тортдик.

Зулайхо ЗАЙНИДДИНОВА,
“Қамолот” ЕИХ Наманган вилоят Кенгаши матбуот хизмати раҳбари, партия фаоли:



— Бу йил ҳаётимда ўчмас из қолдирмоқда. Чунки энг улғу, энг азиз байрам арафасида Президентимиз фармонига биноан давлатимизнинг юксак мукофоти — “Шухрат” медали билан тақдирландим. Қамтарона меҳнатимнинг шундай даражада ёзоз тоғидан дарида бениҳоя хурсандман. Бундай эътироф мен каби ёшларни янги марралар сари руҳлантиради. Ватанимиз тараққиётга муносиб ҳисса қўишига ундайди. Алоҳида таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда биз, ёшларга берилаётган улкан эътибор, ҳар томонлама қамол топишимиз учун кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликка муносиб бўлиш фарзандлик бурчимиздир. Илм-фан, маданият, санъат, спорт йўналишларида муваффақиятларга эришаётган ёшлар муносиб тақдирланаётир. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаётган ёшларга “Қамолот уйлари”, имтиёзли фойзаларда банк кредитлари бериляпти. Бу давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган оталарча ғамхўрлигидан ёрқин далолат. Зотан, ҳеч қайси мамлакатда ёш авлодга бу даражада эътибор қаратилмаган, ёшлар бу даражада кадр топмаган.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ёшларга кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрликни мунтазам давом эттириш ва уни янада ривожлантириш тарафдори. Партия ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфраструктурани қўллаб-қувватлаш, ёш оила-ларга имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш, улар учун уй-жой қурилиши Давлат дастурининг бажарилишини бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига қўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади. Бундан ташқари, партия ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, ишга жойлашиш борасида ҳам қатор лойиҳаларни амалга ошираётир, таклиф-ташаббустларни илгари сураётир. Мен бугунги кунда ана шундай сиёсий куч сифида эканидан фахрланаман.

Исломбек ҚУТФИДДИНОВ,
“Водий ёғоч савдо” хусусий корхонаси бош директори, партия фаоли:



— Истиқлол йилларида ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларда ишбилармонлик кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Мен ҳам ана шундай эътибор натижасида ўз ишимни бошладим. Наманган му-

ҳандислик-технология институтида ўқиш билан бирга, қўп тармоқли корхона фаолиятини йўлга қўйдик. Бугунги кунда корхонамизда ёғочга ишлов бериш, уй-рўзғор ҳижозлари ва мебеллар тайёрланмоқда. Ўндан ортққ ёшлар муқим иш

ўрни билан таъминланган. Корхонамизнинг оёққа туришида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг муносиб улуши бор. Партия менга банкдан кредит олиб фаолият бошлашимга қўмак берди. Партиянинг бу қўмағидан унумли фойдаланаётган ёшлар вилоятимизда талай. Атиги икки-уч йил олдин иш бошлаган ёшлар бугун қатор муваффақиятларга эришмоқда. Баъзилари ўз маҳсулотларини, ҳатто, хорижга ҳам экспорт қилаяпти. Мен ҳам келажақда фаолиятимизни янада кенгайтириб, корхона қошида трикотаж маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехни йўлга қўйиш ниятдаман.

Партиянинг “Банк кредитлари — хунармандларга” лойиҳаси хунармандлик йўналишида иш олиб бораётган ёшлар учун ҳам аини мудоао бўлаётир. Кредитнинг имтиёзли фойзаларда берилиши ёш тадбиркорларга банк маблағларидан самарали фойдаланишга имконият яратди. Партиянинг бу саъй-ҳаракатлари мамлакатимиз саноати салоҳиятини янада ривожлантиришга, “Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган” ёрлми остидаги маҳсулотлар турининг янада кўпайишига хизмат қилаётир.

Ҳикматилла РАҲМАТУЛЛАЕВ,
ЎЗМТДП Наманган вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси:



— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида ёшларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш кўрсаткичи тобора ортмоқда. Уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўлгайиши учун барча имкониятлар яратилган. Энг чекка қишлоқларда ҳам кадр рўстлаётган спорт иншоотларини янги иқтидор эгалларини кашф этаётир. Мен ҳам бошқа тенкурларим қатори ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланишга интиляпман. 14 йилдан буён спорт билан шугулланаман. Қаратэ бўйича 2008 йил Ўзбекистон чемпиони бўлдим. 2009 йилда эса пойтахтимизда ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида олтин медал насиб қилди. Шу ўринда айтиш жоиз, фарзандимнинг соғлом бўлиб ўлгайиши ҳар бир ота-онанинг мақсади. Бу жараёнда болаларни ёшлтигидан спортга ошно этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда спорт мураббийи сифатида жисмонан соғлом авлодни вояга етказишга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман. Орзува интилишларим Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг. Чунки партия жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, ёшлар онги шуурига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, ибратли анъаналаримизга ҳурмат руҳини сингдиришга қўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам ЎЗМТДПни танладим. Энди мен нафақат мураббий, балки ҳар томонлама соғлом фарзандларни тарбиялашга қўмаклашишни мақсад қилган сиёсий партиянинг ҳам аъзосиман. Бу, ўз навбатида, зиммамдаги масъулятни икки ҳисса оширади.

Ташаббус натижа берди



Фаол ўқувчилар рағбатлантирилади

бу халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи саъй-ҳаракатларининг натижасидир

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Хусусан, жорий йилнинг ярмида партия гуруҳи тумандаги "Новобод" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси муҳожирларга асосан ҳудудда мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш, 6, 54-умумий ўрта таълим мактабларида замонавий спорт залини қуриш, мавжуд залларни реконструкция қилиш, туманда жойлашган болалар боғчаларидаги аҳолини ўрганиш ва уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш каби масалаларда бир қанча депутатлик назоратини амалга ошириб, доимий комиссияларга таклиф, сессияларга ташаббус-масалалар киритди. Эътиборлиси, мазкур муҳожирларнинг аксарияти ижобий ҳал этилмоқда. Жорий йил партия гуруҳи ташаббуси билан "Иктидор" туман жамоат фондининг тузилгани ҳам ана шундай амалий саъй-ҳаракатларнинг натижасидир. ЎзМТДП гуруҳи фаоллари мазкур масалани дастлаб халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли комиссиясида муҳокама қилган эди. Бу таклифни кўпгина депутатлар қўллаб-қувватлаган, ташаббус натижа бериб, тумандаги 8-умумий ўрта таълим мактаби ҳудудда "Иктидор" ўз иштини бошлади.

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида" ги қонунга мувофиқ ташкил этил-

ган мазкур фонд бугун ўз аъзолари, иктидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш бўйича ишчи гуруҳига эга. Фонд муассаси ва ташаббускори — 5-синф ўқувчилари учун мўлжалланган "Тарихдан ҳикоялар", 8-синф "Ўзбекистон тарихи", "Жаҳон тарихи", 9-синф "Жаҳон тарихи" ҳамда "Дунё динлари тарихи" каби бир қатор ўқув дарсликлари ва қўлланмалари муаллифи, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Усмон Жўраевдир. "Иктидор" фонди туман, вилоят, республика миқёсида "Билимлар беллашуви", фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган, санъат, маданият ва ижодда муваффақиятли натижаларни қўлга киритган туман ёшлари ҳамда уларнинг шу даражага етишида муносиб ҳисса қўшган устоз-мураббийларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Равшан ТҲИЧЕВ,
халқ депутатлари Бўка туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Иштирокчиларда мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан би-

рига айланди. Республика "Истеъдод" жамоаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Нихол" мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишони, Президент стипендияси ва бошқа нуфузли стипендияларнинг таъсис этилгани, қўллаб-қувватлаш ва кўрик-танловларнинг ўтказилаётгани иктидорли ёшларни юксак марраларга ундамоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, партия сайловолди Платформасида ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш алоҳида вазифа этиб белгиланган. Партия гуруҳимиз ташаббуси билан туманимиз иктидорли ёшлари ҳамда уларнинг устозларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган "Иктидор" жамоат фондининг тузилиши нафақат ЎзМТДП бу борада илгари сураётган мақсад-вазифаларнинг ижросини таъминлаш, балки электротимиз вакиллари бўлмиш зиёлилар, устоз ва мураббийлар манфаатларини ҳимоялашга ҳам хизмат қилади.

Фурқат НУРМАТОВ,
Халқ таълими ва маданият ҳодимлари касба уюшмаси туман кенгаши раиси:

— Бугунги ахборот асрида мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий онги тобора ўсиб бормоқда. Уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришда кенг имконият ва шароитлар мавжуд. Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган бундай улкан эътибор ва ғамхўрликка жавобан ўғил-қизларимиз аъло ба-

✓ **Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш барча давлат ва жамоат ташкилотли, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди**

✓ **Халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи "Новобод" МФЙ аҳолиси муҳожирларига асосан ҳудудда мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш, 6, 54-умумий ўрта таълим мактабларида замонавий спорт зали қуриш борасида депутатлик назоратини амалга оширди**

✓ **"Иктидор" фонди билимлар беллашуви, фан олимпиадаларида, санъат, маданият ва ижодда муваффақиятли натижаларни қўлга киритган туман ёшлари ҳамда уларнинг устозларини қўллаб-қувватламоқда**

ҳоларга ўқишга, юртимиз тараққиётига ҳисса қўлишга ҳаракат қилмоқда. Илм-фан, спорт соҳасида улар эришаётган ютуқлар бу борадаги ихлоқларни янги, янада юқори босқичга кўтаришга замин яратмоқда. Туманимизда ҳам иктидорли, изланувчан, билимли йигит-қизлар кўп. Шу боис сўнгги йилларда ёшларимиз "Билимлар беллашуви", фан олимпиадаларининг вилоят, республика босқичларида фахрли

ўринларни қўлга киритиб келаётир. Бундан ташқари, бўқалик ёш қаламқашлар, мусиқа ва санъат усталарининг маҳорати қўллаб-қўриқ-танловларда ҳам эътироф этилмоқда. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш барчамизнинг бурчимиздир. ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан "Иктидор" жамоат фондининг ташкил этилгани туманимиздаги яхши ўқийдиган, жамоат ишларида фаол, одобли ўқувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Гулҳаё АБДУНАЗАРОВА,
тумандаги 8-мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Юртбошимиз мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда биз ёшларга қарата: "Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники!", дея билдирган ишонч биз ёшларни ўз устимизда янада кўпроқ ишлашга, ўқиш ва изланишга ундайди, зиммамиздаги масъулиятни оширади. Бугун биз ёшларнинг илм олишимиз, ўз иктидоримизни намоён этишимиз учун барча имконият яратилган экан, улардан оқилона фойдаланиш, ўз иктидоримизни, салоҳиятимизни намоён этиш учун интилишимиз зарур. Болаларимдан шеър, эртак ва ҳикоялар ёзишга жуда қизиқаман. Ижод намуналарим вилоятимиз ва республика матбуотида ёритилмоқда. Шу кунга қадар кўпгина кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритдим. Шеърли тўпламимни чиқариш — энг катта орзуларимдан эди. Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва рағбатга муносиб ҳисса қўлиш мақсадида туманимизда ЎзМТДП

фаоллари ташаббуси билан "Иктидор" жамоат фондининг тузилгани ана шундай орзу-мақсадларимизни амалга оширишга янада кенг имконият яратмоқда. Фонд ишчи гуруҳи аъзолари интилишимизни қўллаб-қувватлашди. Айни пайтда шеърларим "Ўқулпон" нашриётида нашрга тайёрланмоқда.

Умид УЗОКОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Конун кучга кирди

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги

таъминланишининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди

Юртимизда жамият ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида, аввало, инсон омили, аҳоли фаровонлиги ва мамлакат ободлиги мужассам. Бу эзгу ҳаракатларнинг натижасини бугун нафақат халқимиз, балки нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик экспертлар ҳам эътироф этмоқда.

Буни аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишида сўнгги ўн йилда мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ишлар мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Ана шу мuddат давомида ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,3 баробарга, 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит ва сколиоз билан хасталаниш 32,8 фоизга камайди. Бу санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш каби чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилаётганидан яққол далолат беради.

Шу ўринда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириш учун қулай турмуш шароитларини яратиш бир қатор қонунлар билан тартибга солинган, қўллаб-қўрғоштириш ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар орасида яқинда қучга кирган "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ўз мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра асосий ҳуқуқий қонун бўлиб қўйилди. Қонун воситасида профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёrlари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими, ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Айни пайтда республикаимизда 200 дан зиёд давлат санитария-эпидемиологик марказлари фаолият қоритмоқда. Чегара постларда ташкиллаштирилган 39 санитар назорат пункти (СНП) республикамизга четдан юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бу йўналишда амалга оширилаётган тизимли ишлар самарасида санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Жаҳонда юзага келаётган глобал тиббий-ижтимоий муаммоларга қарамай, юртимизда турли юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорлик таъминланиб, қарантин ва ўта хавфли вирусларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олди олинаётир. Эмлаш ишларини режа асосида ташкил этишнинг замонавий инфратузилмаси яратилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида авваллари болалар саломатлигига жиддий таҳдид солган қизамик, қизилча, дифтерия (бўма), паротит каби юқумли касалликлар сезиларли даражада камай-тирилди, кўк йўтал, полиомелиит каби юқумли касалликлар буткул бартараф қилинди.

Глобаллашув жараёнлари, халқаро ҳамкорлик ва алоқалар, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш мазкур йўналишдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этиши шубҳасиз. "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида" ги қонуннинг қабул қилиниши ана шундай талаб ва эҳтиёжларнинг маъсули, дейиш мумкин. Қонун, энг аввало, соҳани янада раванқ топтириш, бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилади. Қонун 6 боб, 42 моддадан иборат

бўлиб, унда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, касалликлар профилактикаси, аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этиш, мактабгача, умумий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими босқичларида болаларни санитария ва гигиена асослари бўйича ўқитишга доир тегишли чора-тадбирларни жорий этишга қаратилган меъёрлар акс этган.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири — унда аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш жараёнида нафақат давлат ҳокимияти органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам беvosита иштирок этаётганлиги боис уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгиланди. Қонунга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларидаги осойишталигини таъминлашга қаратилган муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, ушбу тадбирларнинг амалга оширилишида жамоатчилик назоратини олиб бориш имконига эга бўлди.

Фуқаролар қонун ҳужжатлари бузилиши оқибатида ўз соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳуқуқидан фойдаланишлари, уларнинг аҳоли санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши, бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳити билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги алоҳида нормаларда мустаҳкамланди.

Қонунда атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, турмуш, таълим ва тарбия, дам олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена тадбирларининг бажарилиши устидан давлат санитария назоратини амалга оширишга доир меъёрларнинг мустаҳкамланиши соҳада учрайдиган айрим қамчиликларни бартараф этиш, қонун талабларига тўла риоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Қонунда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, турли юқумли ва паразитар ҳамда оммавий касалликлардан муҳофаза қилиш, уларнинг ишлаши ва таълим-тарбия олиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, хавфсиз озик-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги барча зарур талаб ва меъёрлар ўз аксини топган.

Мазкур қонуннинг амалиётга татбиқ қилиниши Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган ҳар томонлама соғлом янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш борасидаги вазифаларига уйғун ва ҳамоханлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш янада қучайтириш, мамлакатимизда сифатли ва қабул қилиниши ана шундай талаб ва эҳтиёжларнинг маъсули, дейиш мумкин. Қонун, энг аввало, соҳани янада раванқ топтириш, бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилади. Қонун 6 боб, 42 моддадан иборат



Зумрад БЕКАТОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Назорат-таҳлил

Мамлакатимизда демократик давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган парламент ислохотлари унинг юртимиз ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаб, фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир. Жумладан, парламентнинг назорат функцияси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бориши, қонун ва қонуности ҳужжатлар, Давлат дастурлари ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимиз парламенти фаолиятида назорат-таҳлил ишларини мунтазам, самарали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 2015 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Хоразм вилоятидаги ижросини ўрганиш вазифаси белгиланган. Бу борада Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзолари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва "Ўзстандарт" агентлиги вакилларида иборат ишчи гуруҳи тузилиб, жорий йилнинг июнь ойида Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманларида мазкур қонун ижросини беvosита ўрганиш, таҳлил қилиш, тадбиркорлик субъектлари билан юзма-юз учрашди.

Назорат-таҳлил тадбирлари давомида вилоятда хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар, (жумладан, давлат органлари)нинг ўзаро фойдалли иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган

Ташқи иқтисодий фаолият

самарадорлигига доир қонун ижроси Хоразм вилояти мисолида ўрганилди

фаолияти ўрганилди. Вилоят ташқи савдо айланишининг сўнгги уч йилдаги ўзгариш динамикаси, шунингдек, вилоят ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатли орган ва унинг фаолияти атрофида таҳлил қилинди.

Таъкидлаш жоиз, вилоятнинг 2014 йилги ҳудудий экспорт ҳажми 13,1 миллион доллар миқдорда белгиланган бўлиб, амалда 13,9 миллион долларлик экспорт амалга оширилган ва режа 105,8 фоизга бажарилган. Бу 2013 йилга нисбатан 12,6 фоиз кўп.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, вилоятда 2012-2014 йилларда 768 тадбиркорлик субъекти ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланган. Хусусан, экспорт қилувчи корхоналар сони 2012 йилда 80 та бўлган бўлса, 2014 йилда қарийб 100 тага етган. Бу вилоятда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган корхоналар сони йилдан йилга кўпайиб бораётганидан далолатдир.

Вилоят иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб қилишни таъминлаш мақсадида ҳисобот йили учун ҳудудий инвестициялар ишлаб чиқилган. Жумладан, 2014 йил учун ишлаб чиқилган хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ, 18 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида жами 17,3 миллион долларлик хорижий инвестициялар жалб қилиниши режалаштирилган. 2014 йил якунига кўра, 14 та лойиҳа амалга оширилиб, жами 19,8 миллион доллар миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилган.

2015 йилда эса ҳудудий инвестиция дастурига кўра 16 та лойиҳа асосида жами 22 миллион

долларга яқин инвестициялар жалб қилиниши мўлжалланмоқда. Уларни амалга ошириш орқали жами 121 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва 800 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этиш мақсад қилинган. Вилоятнинг 2015 йил учун экспорт ҳажми ҳар бир ҳудуд ва корхоналар кесимида манзилли шакллантирилган. Унга кўра ҳудудий корхона ва ташкилотлар 43 миллион доллардан ортиқ маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишни режалаштирган.

Назорат-таҳлил ишлари натижалари Хоразм вилояти ҳокимлигида ўтказилган Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоятнинг мазкур соҳага дахлдор бўлган тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида ўтган йиғилишда вилоятнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётгани таъкидланди. "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни доирасида амалга оширилаётган ишлар эътироф этилди. Шу билан бирга, вилоятдаги тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, тадбиркорлик субъектлари билан учрашув ва мулоқотлар, корхоналар фаолиятини жойида ўрганиш жараёнида соҳада ўз ечимини қўлатган айрим масалалар, қонун ижроси билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Йиғилиш иштирокчилари томонидан уларнинг ечимига доир таклиф ва тавсиялар билдирилди. Жумладан, ҳудудлардаги тадбиркорлик субъект-

ларини экспорт фаолиятига кенгроқ жалб қилиш, уларнинг бу борадаги тажрибасини ошириш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги кўмагида вилоятларда ҳам ташқи савдо компанияларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини

Алишер ҚОДИРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Хоразм вилояти мисолида амалга оширилган назорат-таҳлил ишларимиз нафақат қонун ижроси ҳолати, балки қонунчиликни янада такомиллаштириш имконини беради. Ўрганиш натижаларини муайян соҳани ривожлантиришга доир таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилишига замин яратади. Масалан, бугунги халқаро бозор ишлаб чиқарувчидан маҳсулотнинг сифати, шакли ва ҳажми бўйича истеъмолчи талабига қисқа мuddатда мослашини талаб қилади. Халқаро бозорда авж олаётган рақобат муҳитида маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги қарори 12-бандига янги фаолият кўрсатишни бошлаган корхоналар учун, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг экспортбонлигига мутаносиб равишда имтиёзлар қўланилишини назарда тутувчи ёки "Бож тарифи тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 33-моддасида тадбиркорлар томонидан хориждан келтирилган ускуналарга кафолат даврида юзага келган носозликни бартараф этиш мақсадида олиб келинаётган эҳтиёт қисмларни бож тўловидан озод этишни назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрланди.

Назорат ишлари якуни бўйича қабул қилинган қўмита қароридан ишчи гуруҳининг шу ва бошқа қатор таклифлари ўз ифодасини топди.

Ушбу назорат-таҳлил ишида ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол қатнашди. Биз ўрганиш жараёнида партияимиз дастурий мақсадлари ва электротимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишга ҳаракат қилдик. Бу беҳиз эмас. Чунки партия сайловолди Платформасида ишлаб чиқаришнинг техника ва технология модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган ҳаражатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, республикамиз минтақаларида фаолият қўриб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада оширишга кўмаклашиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



Аллома мероси — бебаҳо хазина

Алишер РАҲМОН,
“Milliy tiklanish” мухбири

Халол меҳнатдан эҳтиром топиб...

Тадбир

Китоб — маънавият асоси

Сардор МУЛЛАЖОНОВ олаган сурат

Китоб—инсон тафаккурини юксалтириш, дидини қархаш, онги ва қалбига зғулиқни сингдиришнинг муҳим воситасидир. Бугун ахборот технологиялари ҳар қанча ривожланмасин, инсоният тарқа-қиётида китобнинг ўрнини ҳеч нарсга боса олмайд. Шу боис мамлакатимизда таъхирятлар, қўлдан келмаганликлар билан бир-

рини нашр этиш дастури тўғрисида”ги қарори доирасида ўтган йилларда ўзбек ва жаҳон адаби-яти, мутафаккирлар ҳаёти ва фасо-лияти, ажоддларимизнинг маънавий жасорати ва қаҳрамонлиқ-ларига бағишланган китоб ва пла-катлар, энциклопедик асарлар йўналишидаги енг сара асарла-

Умида момонинг дуоси

Оила аъзолари бир жойга жамул-
хам бўлганда, Олтинсой кишлоти-
даги бу фойзли хонадон гўё нурга
тўлгандек бўлади. Бехосдан келган
одам тўй бўляптими, деб ўйлаши
тайин. Момони қутлашга келган
фарзандлари орасида ички ишлар
ходимлари, тадбиркор, шифокор,
ўқитувчи, маданият ходимларидан

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кек-

— Илоҳим, юртимиз ҳамиша тинч-осойишта, ҳаётимиз янада фаровон бўлаверсин. Ҳамманинг уйида тўй-шодлик бардавом бўлсин.

Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

ДИККАТ, ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари орқали республикамиз ёшлари ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жаҳиятда Конституция ва қонуналарнинг устувор бўлишига эришиш, Конституциянинг моҳиятини ёшларга тушунтириш, демократик жаҳиятини барпо этишда ёшларнинг иштирокини таъминлаш, уларда она Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, мамлакатимизда истискомат қаълаътиган барча миллат ва ёшларнинг миллий-маънавий ҳиъдатдан янада тикланиши ва ривожланиши учун яратилган шарт-шароитларни тарғиб қилиш ҳамда ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси **"Конституция — суверен ва демократик давлат пойдевори"**¹ танловини эълон қилди.

Танлов шартлари

1) Танловда мамлакатимизда истиқомат қилувчи 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этади.

2) Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

- Шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт нус-хаси);
 - Ўқиш ёки иш жойидан маълумотнома;
 - 2 донa рангли фотосурат.
- 3) Тақдим этиладиган мақолаларга қўйила-диган талаблар:

— мақолада Конституциямизда ифодаланган инсонпарварлик ва демократия тамойили, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёналарининг ҳурмат қилиниши таъминланганлиги, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуққа эга эканлиги борасидаги фикр-мулоҳазалари акс этиши;

— Танловга тақдим этилган мақолалар куйдаги электрон почтага (yoshlarqanoti@mail.ru) юборилиши ва танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин 2015 йилнинг 28 ноябрига қадар мамлакатимиздаги босма оммавий ахборот воситаларида (газета ва журналлар) чоп этилган бўлиши шарт.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган мақолалар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакиллари дан иборат Ташкилий гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Танлов жорий йилнинг **23 сентябридан 28 ноябрга** қадар давом этади. Танлов ғолиблари Конституция байрами арафасида аниқланиб тақдирланади.

Танлов голибларини рағбатлантириш
— Голиблар ҳақидаги маълумотлар республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади;

— Ғолиблар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлик ва дипломлар билан тақдирланади.

Тақдим этиладиган мақолалар (асл ва электрон нусхалари) **“Конституция — суверен ва демократик давлат пойдевори”** тавлиғига асосланган ҳаётдаги ҳақиқатларни, ҳаётдаги ҳақиқатларни қайта қайд билан **2015 йилнинг 30 ноябрга** қадар қўйидаги манзила қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 53-й (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девоғи ёшлар масалалари бўлими).

Ташкилий гуруҳ



Спортсевар ёшлар маскани

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, замонавий спорт иншоотларидан янада самарали фойдаланиш, ёшларимизнинг жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб камол топиши учун шароит яратишга устувор аҳамият қаратишмоқда. Фарғона вилояти Фарғона тумани Чимён қишлоғидаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам шундай олижаноб мақсадга хизмат қилаётган масканлардан бири. Айни пайтда бу ерда 748 нафар ўғил-қиз спортнинг футбол, бокс, кўл тўпи, стол тенниси, волейбол, белбоғли кураш, миллий кураш ва бадий гимнастика каби турлари билан мунтазам шуғулланаётир.

ЎЗА фотомухбири
Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар

Бадий гимнастика

Лобар қизлар — соғлом қизлар

Анджонлик Насиба Солиева беш ёшли қизи Мунирани вилоятдаги ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабининг бадий гимнастика тўғрисида олиб борди. Аввалига Мунирага қизиқарли ва енгил туюлган машқлар босқичма-босқич мураккаблашиб, кейинчалик маъсуллик мусобақаларга улашиб кетди.

Мунира кунт билан машқ қилишга одатланди. Мусобақаларда фаол қатнаша бошлади. Устозларидан гимнастика сир-асрорини пухта ўрганаётган саккиз ёшли бу қизалоқ, катта натижаларни кўлга киритмоқда. Жумладан, вилоятдаги болалар ўртасидаги "Олтин куз" мусобақасида катнашиб, биринчи ўринни олган бўлса, ўтган йили "Гимнастика ҳамма учун" анъанавий республика чемпионатида олтин медални кўлга киритди.

— Аввалига гимнастика қизим учун саломатлигини мустаҳкамлаш машғулоти саналган бўлса, энди ҳаёти мазмунига айланди, — дейди Муниранинг онаси Насиба Солиева. — Келажакда Жамила Раҳматова ҳамда Уляна Трофимова каби профессионал спортчи бўлиб, халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтаришини орзу қиламан.

Спорт — ҳар бир миллатни дунёга танитишнинг, салоҳиятини намоён этишнинг, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Шу билан бирга навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юрак эътибор замирида ана шундай эзгу мақсад муҳассам.

Қўмита йиғилиши



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Парламент назоратини амалга оширишнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар ўтказилди. Унда парламент назоратининг аҳамияти, ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси парламент фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтиришда му-

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида болалар спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Халқаро андозалар даражасида жиҳозланган марказ ва секциялар, спорт комплекслари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига у доимий эътибор қаратилмоқда. Бу эса миллат генофондининг саломатлигини билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Анджон шаҳридаги олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар гимнастика спорт мактаби кўлаб маҳоратли спортчиларни тарбиялаб етиштирган маскан. Бугун бу ерда 58 гуруҳда 600 нафардан зиёд иктидорли йигит-қиз спортнинг бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ҳамда акробатика турлари билан шуғулланаётир. Бу кўрсаткичлар вилоят аҳлининг спортга, айниқса, қизлар спортига нисбатан қарашларининг тубдан ўзгаргани, ота-оналар фарзандининг спортга меҳр қўйиши қанчалик улуг мақсадларга пойдевор бўлишини аңглаб етаётганидан яққол далолат беради.

— Мактабимизда спортчи ёшлар учун барча шароит яратилган, — дейди бадий гимнастика тўғрисида раҳбари Дилором Арслонбекова. — Хатто, фарзандларини олиб келган оналар учун ҳам машғулотлар ташкил қилдик. Ҳозирда улардан ташкил топган "Сўғдиёна" гуруҳи билан алоҳида

машғулотлар олиб бораёмиз. Қувончлиси, улар қисқа муддат ичида вилоятда ташкил этилган аёллар ўртасидаги мусобақада юқори ўринлардан бирини эгаллашга муваффақ бўлди.

— Мамлакатимизда болалар спорт, хусусан, унинг нафис турларини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида бадий гимнастика қизлар ўртасида тобора оммалашаётир, — дейди спорт мактаби директори Илҳомжон Эргашбоев. — Мактабимизда машғулотларнинг юқори савияда ташкил этилиши ёшларда ирода, қатъият, мақсад ва ғалаба сари интилувчанликни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ушбу спорт тури билан шуғулланиш нафақат жисмоний гўзаллик, балки феъл-атвор, ҳатто, энг яхши фазилатларни шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом авлод — соғлом насл дегани. Бугун спортга меҳр қўйган қизалоқларнинг ҳаммаси ҳам келажакда чемпион бўлмаслиги мумкин. Аммо улар жисмоний машқларда тоблангани учун тани соғлом, руҳи тетик, фикри тиник, иродаси мустаҳкам, келажакда ҳаётнинг турли синови ва қийинчиликларини енгиб ўтишга қодир инсонлар бўлиб етишади. Зеро, ҳар томонлама соғлом қизлар келажакда соғлом зурриёдни дунёга келтиради, фарзандига ҳам спортга меҳр туйғусини сингдиради, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатади.

Замира РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Парламент назорати

самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди

хим асос сифатида хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ парламентга ҳар йили ҳукумат аъзоларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузасини эшитиб бориш ҳуқуқи берилди. Бунинг натижасида қабул қилинган чора-тадбирлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари самарадорлигини оширишга, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла таъминлаш, жойларда юзага келаётган долзарб масалаларни адолатли ҳал этишга кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили Давлат бюджети лойиҳаси ҳамда унинг ҳар чорак ва йиллик ижроси қўйи палата қўмита ва фракцияларида кўриб чиқилмоқда, таклифлар берилмоқда.

Президентимиз парламент палаталарининг шу йил 23 ян-

варда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Олий Мажлис палаталари ва фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий Давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолиятини сифат жиҳатдан янги асосда қуриш лозимлигини таъкидлади. Бугунги кунда мамлакатимиз парламент аъзолари билан парламент фракциялари билан парламент назорат функциясини самарали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Айни пайтда ишчи гуруҳи томонидан "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Тадбир иштирокчилари ушбу қонун лойиҳасини ҳам атрофлича муҳокама қилдилар. Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳи миллий тажриба, шунингдек, 20 дан ортиқ хори-

жий давлатлар тажрибасини атрофлича ўрганди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда гарчи парламент назорати бўйича алоҳида қонун бўлмаганди, Олий Мажлисининг назорат функциясини у ёки бу даражада тартибга солиб турувчи ўндан ортиқ қонун мавжуд.

Тадбирда парламент назоратининг парламент эшитуви, ишончсизлик вотуми, парламент сўрови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг сўрови, қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурлари ижросини бевосита ўрганиш каби шакллари аҳамияти хусусида сўз борди. Парламент назоратининг амалдаги шакллари, ҳуқуқий механизмлари ҳамда замонавий усулларини янада такомиллаштириш ва бу борадаги хориж тажрибаси муҳокама қилинди, таклиф-тавсиялар илгари сурилди.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Халқаро семинар

Ахборот олиш кафолати бўйича Ўзбекистон тажрибаси

Самарқандда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги — ахборот олишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи таъминла-нишининг муҳим кафолати: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан тегишли вазирлик ва идоралар, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутatlари, давлат бошқаруви органлари ахборот хизматлари раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Эстония, Греция, Финляндия давлатларидан келган экспертлар, халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г.Алимова, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Кристи Пиккат ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамоларида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда фуқароларнинг ахборот олишга доир конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий қоидаларидан келиб чиқиб, 2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш борасидаги муҳим қадамлардан бўлди. Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиби, аҳолининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваломбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини кафолатловчи ҳуқуқий тартиб-таомиллар белгилаб берилган.

Анжуманда мазкур қонуннинг ишлаб чиқи-лиши, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қонун лойиҳаси бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилгани ҳақида маълумот берилди. Қонун ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидан аҳолини хабардор этиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқлари таъминланиши тўғрисида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сўз ва ахборот эркинлиги кафолатлари белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги каби қонунлар қабул қилинди. Яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос ва сўз эркинлигининг таъминланиши натижасида мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари сони 3,6 баробар ошиб, ҳозир 1 минг 400 дан ортиқчи ташкил этмоқда. Улар орасида босма матбуот нашрларининг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 таси ва интернет-нашрларнинг 95 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларини ташкил этади. Бу бугунги кунда оммавий ахборот воситалари аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ҳамда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялашда фаол қатнашаётганини кўрсатмоқда.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ахборот соҳасини демократлаштириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги савий-ҳаракатлар юқори самара бераётганини қайд этди.

— Давлат органлари фаолиятининг очиқ ва ошқоралиги улар ҳақидаги маълумот, ахборотларни эркин олиш ва тарқатишда намоён бўлади, — дейди Буюк Британиянинг Лондон университети ўқитувчиси Дэвид Голдберг. — Бу вазифани бажаришни оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли бугунги кунда дунёдаги ҳар бир демократик давлат мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу борада Ўзбекистонда ҳам кўлаб ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро нормаларга мос қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъ-рий ҳужжатлар қабул қилинаётгани Ўзбекистонда ахборот соҳаси изчил ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни мамлакатда кечаётган демократик ислохотлар самараси, дейиш мумкин. Бугунги конференцияда мазкур қонуннинг ижроси

юзасидан янги маълумотларга эга бўлди. Ўзбекистон қонуншунослари ва депутатлар, журналистлар, хорижий экспертлар билан ўзаро тажриба алмашди.

— Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлсам-да, бугунги конференциядаги маърузаларни тинглаб, ахборот хизматлари раҳбарлари, мутахассислар билан суҳбатлашиб, яна кўп янги маълумотлар олдим, — дейди Германиядаги "Behorden Spiegel" газетаси муҳбири Петер Слама. — Бу борада интернет имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ҳар бир ташкилотнинг ўз веб-сайти орқали фаолияти ҳақида ахборот бериб борилаётгани эътиборга молик. Германияда ҳам ахборот соҳасига оид кўлаб қонунлар бор. Ўзбекистон тажрибасидан ўрганадиган жиҳатлар ҳам кўп экан.

Анжуманинг секция мажлисларида кун тартибидagi масалалар юзасидан маърузалар тинг-ланди, ўзаро фикр ва тажриба алмашилди.

Ғолиб ҲАСАНОВА,
ЎЗА

Тошкент шаҳрида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, давлат бошқаруви органлари фаолиятидан аҳолини хабардор этиш, бу борада ахборот хизматлари ва журналистларнинг ўрни тўғрисида сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари, халқаро экспертлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ахборот соҳаси жадал ривожланаётгани, сўз ва фикрлаш эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, журналистлар фаолиятининг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофа-заси, медиа соҳада рақобат муҳити ривожлани-шини таъминлайдиган қонунчилик базаси яра-тилганини эътироф этди.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир ўнга яқин қонун қабул қилин-ди, қатор қонунларга ахборот соҳасини янада либераллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Дарҳақиқат, 2014 йил 5 майда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятининг асосий тамойили ҳисобланган ахборот очиқлигининг амалдаги ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий қўллаш амалиёти бўйича тўпланган тажриба мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг бевосита иштироки, матбуот конференцияси ва брифинглар ўтказиш каби механизм ва усуллар кўпроқ самара беришини кўрсатаётир.

Давлат органлари фаолияти ҳақидаги маълумотнинг ошқора ва ишончлиги, ахборот манба-ларидан аҳолининг кенг фойдаланишини таъмин-лашда ахборот хизматлари муҳим ўрин тутди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ахборот хизмати фақат Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси каби давлат муассасаларида ташкил этилган бўлса, бугунги кунда деярли барча таш-килотларда ахборот хизматлари фаолият юри-тмоқда. Ҳозирда улар идоранинг ахборот сиёсати-ни амалга ошириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар-ни ОАВда чоп этиш, идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини ёритиш, веб-ресурсларини яратиш ва Интернет тармоғида самарали ишлашини таъ-минлаш, ахборот фойдаланувчилари, кенг жамоат-чилик билан қайта алоқани таъминлаш каби қатор муҳим вазифаларни бажармоқда. Хусусан, 2010-2015 йилларда мамлакат ҳаётидаги долзарб мас-салалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-ларининг фаолиятига бағишланган ҳар йилги тад-бир (матбуот конференцияси, брифинг, очиқ маж-лис)лар сони 10 баробар ошди.

Ахборот хизматлари соҳага доир амалдаги қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни элек-трон маълумот тизимлари воситасида тарқатиш жараёнида ҳам муҳим ўрин тутаётир. Сўнгги бир ярим йилда Интернет тармоғидаги Ягона инте-рактив давлат хизматлари порталида 184 меъ-рий-ҳуқуқий ҳужжат ва бошқа маълумотлар жой-лаштирилди. Бу эса, ўз навбатида, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сифати, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат органлари фао-лияти ҳақида аҳолининг хабардорлик даражаси-ни ошириш, фуқароларнинг сиёсий онги, ижти-моий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий мадания-тини ошириш каби энг муҳим вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилаётир.

— Мамлакатингизда давлат органлари фаолиятининг очиқ ва ошқоралигини таъмин-лашга қаратилган алоҳида қонун қабул қилин-гани эътирофга лойиқ, — дейди Греция парламен-ти депутатининг ёрдмчиси, фуқаролик жамия-ти билан муносабатларни ривожлантириш экс-перти Дмитрий Макарайдис. — Бу эса, ўз навба-тида, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши, ахборот ва сўз эркинлиги-ни таъминлашнинг хизмат қилади. Ахборот олиш кафолати бўлган бундай меъёрлар аҳоли фаоллигини янада оширади, мамлакатда де-мократик ислохотларни ривожлантиришда му-ҳим аҳамият касб этади.

Қизғин мулоқот, фикр алмашувларга бой тарз-да ўтган тадбирда "Давлат ҳокимияти ва бошқа-руви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғриси-да"ги қонун меъёрлари, шунингдек, қонунчилик-нинг бошқа ҳужжатлари амалда самарали қўллаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-лари ахборот хизматларининг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Умид УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Жазоир парламенти:

хотин-қизларга кенг ўрин берилмоқда



Жазоир Халқ Демократик Республикаси шимоли-ғарбий Африкада жойлашган давлат. Пойтахти — ал-Жазоир. Майдони 2 миллион 382 минг квадрат километр. Аҳолиси — 38 миллион киши. Расмий тили — араб тили. Мамлакат Конституцияси 1976 йилда қабул қилинган бўлиб, унга сўнги марта 1996 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият — икки палатали парламент.

Юқори палата — Сенат 144 вакилдан иборат. Уларнинг 48 нафарини Президент тайинлайди. Палатанинг учдан икки қисми эса коммуна ва вилоятлар кенгаши аъзолари орасидан мазкур кенгашларнинг депутатлари томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар уч йилда Сенат таркибининг учдан икки қисми янгиланиб туради. Бирорта қонун Сенат тасдиғисиз қабул қилинмайди. Қонун лойиҳаси юқори палата аъзоларининг тўртдан уч қисми овоз бергандагина қабул қилинади. Сенат маъқулаган қонун кўриб чиқиш ва имзолаш учун Президентга юборилади. Президент тақдим этилган қонун лойиҳасини 30 кун давомида кўриб чиқиши лозим. Президент қонун лойиҳасини парламентда қайта кўриб чиқиш учун қайтариши мумкин.

Куйи палата — Миллий халқ мажлисида 389 депутат фаолият олиб боради. Уларнинг ваколат муддати 5 йил. Куйи палата аъзолари умумий, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Депутат ва сенаторлар ўз ваколатларини бажараётган вақтда дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланишади. Парламент сессиялари йилга икки марта чақирилади. Навбатдан ташқари сессияларни мамлакат Президенти чақиради. Қолаверса, бундай сессиялар ҳукумат талаби билан Президент ҳамда парламент аъзоларининг учдан икки қисми ташаббуси билан ҳам чақирилиши мумкин.

Президент Миллий халқ мажлиси ва Сенат раислари ҳамда ҳукумат раҳбари билан маслаҳатлашгандан сўнг Миллий халқ мажлисини тарқатиб юбориш ёки навбатдан ташқари сайловларни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиши

мумкин. Иккала ҳолатда ҳам парламент сайлови уч ойдан кечикмай ўтказилиши лозим. Тинчлик, келишув, иттифоқ тузиш ҳақидаги ҳамда давлат бюджетидан назарда тутилмаган сарф-харажатлар юзасидан тузиладиган шартномаларни иккала палата тасдиқлагач, Президент ратификация қилади. Парламент аъзолари муҳим масалалар юзасидан ҳукуматга сўров юборишга ҳақли. Парламент комиссияси ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини эшитиши мумкин. Парламент аъзолари хоҳлаган ҳукумат аъзосига ёзма ёки оғзаки сўров юбориш ҳуқуқига эга. Ёзма саволга ўттиз кун ичида жавоб қайтарилиши керак. Оғзаки саволларга ялпи мажлисда жавоб қайтарилиши назарда тутилган.

Парламентда энг кўп ўринлар сўл марказлашган Миллий озодлик fronti партиясига тегишли (220 ўрин). Миллий демократик бирлашма партияси парламентда 68, “Яшил Жазоир” блоки эса 48 вакилга эга. Ижтимоий кучлар блоки (27 ўрин), Меҳнаткашлар (24 ўрин) парламентдаги муҳолифат партиялар ҳисобланади.

Жазоир парламентида хотин-қизларга ҳам кўп ўрин ажратилмоқда. Мазкур давлатда ўтказилган сўнгги парламент сайловида қонун чиқарувчи идорадаги ўринларнинг учдан бир қисми аёлларга насиб этгани эътиборга молик. Илгари парламентдаги депутатлик ўринларининг фақат 7 фоизи аёлларга ажратилган бўлса, энди улар 145 мандатга эга. Жазоирда аёл депутатларнинг бундай катта муваффақиятга эришиши жаҳон ҳам-жамиятини ҳам бефарқ қолдирмапти.

БМТ бош котиби Пан Ги Мун ушбу давлатда аёл депутатлар сони кўпайганини алоҳида эътироф этган.

Мамлакатдаги сайловларнинг очик, ошқора ва адолатли ўтиши учун барча куч сафарбар этилаётир. Ўтказиладиган парламент ва Президент сайловини Ички ишлар вазирлиги назорат қилади. Мазкур ташкилот маълумотларига қараганда, мамлакатда 21 миллиондан ортиқ фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга. Қолаверса, сайловлар пайтида конституциявий назоратни амалга оширувчи махсус идора — Конституциявий кенгаш ҳам фаолият олиб боради. Кенгаш 9 аъзодан иборат. Унинг 3 нафарини Президент тайинласа, 2 нафарини Миллий халқ мажлиси ва Сенат тақдим этади. Қолганларини Олий суд ва Давлат кенгаши сайлайди. Конституциявий кенгаш аъзоларининг ваколати — 6 йил.

2012 йил 7 майда ўтказилган сўнгги парламент сайловида 44 сиёсий партия ўз номзодларини илгари сурди. Бундан ташқари, сайловда мустақил номзодлар ҳам иштирок этди. Аҳамиятлиси, 44 партиядан ярми парламент сайлови арасида рўйхатдан ўтказилди. Бу партиялар тўғрисидаги қонуннинг либераллаштирилганидан далолат.

Миллий демократик бирлашма партияси инсоният ва тараққиёт душмани — терроризмга қарши кескин кураш олиб бориш тарафдори. Мамлакатнинг етакчи партияси — Миллий озодлик fronti эса, биринчи навбатда, коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш, ёшлар муаммоларини ижобий ҳал этиш ғоясини илгари суради. Мазкур партия 2012 йилда ўтказилган сўнгги парламент сайловида 220 депутатлик ўрнини қўлга киритган бўлиб, бу аввалги сайловдаги натижаларга қараганда 84 ўринга кўп.

Жазоир саноати нисбатан ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши — 37,7, қишлоқ хўжалигининг улуши — 14,9 фоиз. Саноатда нефть (йилига ўртача 35 миллион тонна), газ (163 миллиард



метр куб), темир рудаси, фосфат ва рангли металллар қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш етакчи тармоқларга айланган. Жазоир Африка мамлакатлари орасида табиий газ ишлаб чиқариш, узум, зайтун мойи ва цитрус мевалар етиштиришда етакчи ўринда туради. Иқтисодиётда давлат сектори улуши устун (ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизи). Енгил ва озик-овқат саноатида хусусий сармоя етакчи мавқеда — 70-90 фоиз, қурилишда 90, хизмат кўрсатиш, улгуржи ва чакана савдода 80 фоизгача.

Бир томони Сахрои Кабир, бошқа тарафи Ўрта ер денгизига тутшиб кетган Жазоир углеводород хомашёсига бой, Европага табиий газ етказиб берувчи асосий давлатлардан. Жазоир нефть ва газ захирасига бой бўлишига қарамай, мамлакат иқтисодиёти жиддий ислохотларга муҳтож. Туризм тармоғини ривожлантиришга ҳам кенг эътибор қаратилмоқда. Мамлакат биргина туризм соҳасидан 70 миллиард доллардан даромад олаётган бўлса-да, бу нефть-газ экспортидан тушаётган фойдадан анча камдир. Бу йил мамлакатта ташриф буюрадиган сайёҳлар сонини 3,5 миллионгача етказиш режалаштирилган. Янги сайёҳлик инфратузилмаларини бунёд этиш учун яқин бир неча йил ичида 5 миллиард долларгача сармоя сарфланishi мўлжалланмоқда. Бу ўлкада 2020 йилгача сланец газини ўзлаштиришга киришилади. Лекин аҳолининг кўпчилиги бунга қарши. Сабаби бунинг оқибатида чўл ҳудудларида истикомат қилувчи аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда қатор муаммолар юзага келиши мумкин. Ҳозирда мамлакат ҳудудида 20 триллион кубометргача сланец газини захираси аниқланган. Бундан ташқари, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Жазоир Франция билан бир қатор ҳужжатлар имзолаган бўлиб, Европадан мазкур мамлакатга наслдор қорамоллар келтирилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Жазоирга Шимолий Африкадаги муҳим ташқи сиёсий шериклардан бири, деб қарайди. Мамлакатларимиз ўзаро манфаатли савдонини ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорликни чўқурлаштириш, маъданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга.

Азимжон ПЎЛАТОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Тасодикий тўқнашув

Швейцария шимолида кичик самолёт ҳалокатга учради.



Ҳодиса Хольцикен шаҳри яқинида юз берди. Таъкидланишича, самолёт йўлга қулаб тушгандан сўнг, автомобиль билан тўқнашиб кетди. Учувчи ва машина ҳайдовчиси жароҳат олганлиги сабабли шифохонага ётқизилди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, ҳалокат туфайли ёнгин юзага келган. Воқеа жойига ўт ўчирувчилар етиб келиб, ёнгинни бартараф этди.

Ер силкиниши такрорланди

Чилида 5,4 магнитудали зилзила рўй берди.



Зилзила маркази Овале шахридан 36 километр жануби-ғарбда жойлашгани маълум қилинди. Шунингдек, яқшанбага ўтар кечаси Чили соҳилларида 4,7 магнитудали яна бир ер силкиниши қайд этилди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада Чилида 8,3 магнитудали кучли зилзила содир бўлган, бунинг оқибатида 13 киши ҳалок бўлиб, яна олти киши дом-дараксиз йўқолгани хабар қилинган эди. Ўшанда зилзила туфайли юзага келган цунами хавфи сабабли бир миллиондан зиёд киши эвакуация қилинган.


Рулсиз велосипед

Женева шаҳрида ўтказилган халқаро кашфиётлар кўргазмасида электр велосипеднинг антика намунаси оммага кўрсатилди.



Транспорт воситаси “Joystick Bike” деб номланди. Сабаби велосипед руль билан эмас, балки жойстик воситасида бошқарилади. Уни швейцариялик кашфиётчи Иван Форклас ясади. Велосипед бир кишилик ўриндиққа эга. Ўриндик орқасида юкхона жойлаштирилган. Велосипед кескин бурилганда ағдарилиб кетмаслиги учун ён томондан кичик ҳимоя филдиракларига ҳам эга.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



ерга Ўзбекистон байроғини ўрнатди. Ундан кейин Олег Григорьев, Сергей Соколов, Ханиф Балмағамбетов, Светлана Баскапова, Марат Усайев, Алексей Докукин ҳам чўққилар “кироли”ни забт этишга муваффақ бўлишди.

Шахзод ҒАҒҒОРОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири


Рангин дунё

“Дунё тоғи” ҳисобланган Ҳималай тоғининг энг баланд чўққиси Жомолунгма дунё қуруқлигининг денгиз сатҳидан энг баланд нуқтаси ҳисобланади. Баландлиги — 8848 метр бўлиб, Непал ва Хитой чегарасида, Кхумбу-Жимал тоғ тизмасида жойлашган. Уч қиррали пирамида шаклига эга, жанубий ёнбағри бирмунча тик ва яланғоч қоялардан иборат.

“Жомолунгма” — тибетликлар тилида “илоҳий она” маъносини билдиради, чўққининг непалча номи — “Сагармат-ха”, яъни “маъбудлар онаси”, демакдир. Чўққининг инглизча номи — “Эверест” 1830-1843 йилларда Ҳиндистон геодезия хизмати раҳбари бўлган сэр Жорж Эверест шарафига номланган.

Жомолунгманинг энг баланд нуқта эканини биринчи бўлиб хинд математиги ва топографи Радханат Сидар аниқлаган. Олим Жомолунгманинг баландлигини 1852 йилда чўққидан 240 километр узоқликда, яъни Ҳиндистондан туриб тригонометрик усуллар ёрдамида ҳисоблаган. 1856 йилда биринчи марта чўққининг баландлигини ўлчаш ишлари ўтказилиб, унинг 8840 метр эканлиги аниқланган. XX асрнинг 50-йилларида хинд топографлари тео-

Чўққилар “кирол”и



долит ёрдамида Жомолунгманинг баландлигини ўлчаб, унинг денгиз сатҳидан 8848 метр баландда эканини маълум қилган.

Жомолунгма чўққисини илк бор 1953 йилнинг 29 майида непаллик Тэнцинг Норгэй ва Янги Зеландиялик альпинист Эдмунд Хиллари забт этган. Экспедиция аъзолари чўққининг тепасига чиқиш учун кислород баллонларидан фойдаланишган. Чунки 7 минг метр-

дан тепада ҳаво жуда сийрак бўлиб, инсон организми бундай шароитда ҳаракат қилиши учун керакли энергияни ишлаб чиқара олмайди. XX асрнинг 50-йилларида Жомолунгмага Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Япония ва Италия альпинистлари ҳам чиқишга муваффақ бўлди.

Жомолунгмага илк бор кислород баллонсиз 1978 йилда италиялик Рейнхольд Месснер ва германиялик Питер Хабе кўтарилган. Непаллик Анг Рита

“дунё томи”га кислород баллонларисиз ўн марта чиқиб, рекорд ўрнатган. Шунингдек, 2011 йилнинг май ойида непаллик Бхакта Кумар Райбил чўққининг тепасида 32 соат яъни, ҳаводаги кислороднинг атиги учдан бир қисми мавжуд бўлган баландликда энг узоқ вақт туриб, ўзига хос рекорд ўрнатди.

Чўққининг энг тепа қисмида шамолнинг тезлиги соатига 200 километрдан ошади. Қишда келалари ҳарорат — 60 даража-

Хунари бор хор бўлмас

Мўъжиза яратаётган кўллар



...Чет эллик меҳмон кўрғазмага қўйилган чиганоқ, қоғоқ, қамиш ва сомондан тайёрланган бежирим буюмларга узоқ тиқилиб қолди. Худди бирор қадимий ва ноёб буюмни кўриб қолгандай ҳажжон ва ҳайрат билан томоша қиларди. Ўқтам ака қоғоқдан ясалган кўзалардан бирини олиб, унга узатди.

— Олинг, бу сизга биздан совға. Меҳмон хижолат чекиб, бироз тараддулданди. Сўнг чўнтак қовлай бошлади. — Кўйсангизчи, бу совға, — деди самимий оҳангда хунарманд. — Биз бошқасини ясаб олаверамиз.

Ха, халқимиз азал-азалдан ўзининг моҳир ва кўли гул уста-хунармандлари билан донг таратган. Юртимизнинг кай гўшасига борманг, оддий маҳсулотлардан мўъжиза яратаётган хунармандларни учратасиз. Ижод маҳсулларини кўриб, кўзингиз қувнади. Айниқса, чет эллик меҳмонларнинг қизиқиши ва ҳайрати юрагингизни фахр-ифтихорга, гурӯрга тўлдиради.

Бугун миллий хунармандчилигимиз янада ривожланиб, тобора сайқалланиб бормоқда. Истиқлол йилларида бу борадаги саъй-ҳаракатлар бутунлай янги босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Сирдарёлик хунарманд Ўқтам Шодмонкулов ҳам оддий маҳсулотлардан мўъжиза яратаётган хунарманд. Унинг юмуши бир қарашда содда ва оддий туюлса ҳам бу хунар тамоман кўл меҳнатига асосланган. У ишлатадиган ашёлар ҳам жуда оддий: қоғоқ, чиганоқ, чанок, ўрик данаги, қамиш, маккажўхори барги, сомон, каноп...

— Болалигим Сирдарё бўйларида ўтган, — деб хотирлайди Ўқтам ака. — Ўша пайтларда энг сеvimли машғулотим дарё соҳилидаги чиганоқларни териш эди. "Канийди, шулардан нимадир ясай олсам", деб орзу қилардим. Йиллар ўтиб, бу орзуларим рўёбга чикди.

Анъана

Пойтахтимизда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши томонидан "Тасанно — 2015" миллий таомлар халқаро фестивали ўтказилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Байналмилал маданият маркази, Бадий академия ва хорижий давлатлар элчионалари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу фестивалда кенг жамоатчилик вакиллари, чет эллик меҳмонлар, талаба-ёшлар қатнашди.

Фестивалда қайд этилганидек, республикамизда хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий ҳамкорлиқни ривожлантириш, турли халқлар тарихи, урф-одат ҳамда анъаналари билан яқиндан танишиш дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жиҳатлар 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона ва

ахил оиладек истиқомат қилаётган юртимизда янада ёрқинроқ ўз ифодасини топмоқда. Халқларнинг урф-одатлари намоишига айланган "Тасанно" фестивалида иштирокчилар миллий таомлар тайёрлашни жараёни билан яқиндан танишди. Айниқса, ўзбек палови, ҳинд ладдуси, итальян спагеттисининг ўзига хос хусусиятлари, тайёрланиш жараёни кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда ўзбек, хитой, корейс, озарбайжон, туркман, вьетнам, латвия, грек, италян ва бошқа халқлар миллий таомлари танлови бўлиб ўтди. Унда бош соврин хитойлик ошпазларга насиб этди. Италиялик пазандалар биринчи, ўзбекистонлик ва мисрлик ошпазлар иккинчи ҳамда учинчи ўрин-



ларни эгаллади. Фолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. — Тадбирда халқимиз севиб истеъмол қиладиган



тин-қизлар маҳаллий хом-ашёлардан совғабоп буюмлар ясаш ва бозорга чиқариш йўллари ўрганиб олдилар. Уч кунлик семинар-тренинг машғулотларини БМТнинг "UN WOMEN" ташкилоти юқори баҳолади.

— Қорақалпоғистонлик кўлаб хотин-қизларга Сирдарёнинг кўҳна ва навқирон халқ амалий санъатидан сабоқ бериб, вилоятимизда ҳам халқ амалий санъатининг ўзига хос мактаби яратилганига амин бўлдим, уни тарғиб қилишга ҳисса қўшаётганлигимдан гурӯрдандим, — дейди Ўқтам ака. — Сирдарё халқ амалий санъати ҳам Марғилоннинг атласи адраси, Тошкентнинг ёғоч ўймакорлиги, Бухоро зардўзлиги, Наманган, Риштон кулолчилиги каби доғруғи дунёга дoston бўлаётганидан фахрландим.

Гарчи иккинчи гуруҳ ногирони бўлса-да, Ўқтам аканинг иродаси бақувват, мақсади аниқ, У ҳаётда ўзи танлаган йўлдан дадил одимламоқда. Ўзи севган касбнинг моҳир эгаси. Вилоятдаги кўлаб ёшларга ҳам бу хунарнинг сир-асорини ўргатиш орқали унинг янада равнақ топишига ҳисса қўлиш — асосий мақсади.

Яна бир гап: Сирдарё вилояти сўнгги йилларда мамлакатимизнинг сайёҳлик марказларидан бирига айланмоқда. Вилоятга келаётган чет эллик меҳмонларнинг ана шундай халқ амалий санъатининг нодир намуналарига ҳам қизиқиши жуда баланд. Уста хунармандларимизнинг бу каби

санъат асарлари эса наинки хунармандчилик, балки туризм равнақида ҳам жуда муҳим.

Бир сўз билан айтганда, тарихи узоқ йилларга бориб тақаладиган, аждодлардан мерос бу бебаҳо қадриятлар бугунги кунда халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган. Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, халқимизнинг хунармандчилик босқичидаги меросини чуқур ўрганиш ва бой маданиятимизни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси амалга ошираётган ташаббуслар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Партия сайловолди Платформасида юксак эстетик қимматга эга миллий хунармандчилик турларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, қадимги бадий-хунармандчилик мактабларининг анъаналарини сақлаб қолиш масалаларига кенг ўрин берилган. Партия-мизнинг турли ташаббус ва лойиҳалари ҳудудларда хунармандчилик билан шуғулланаётган аҳоли, хусусан, электротизмиз вакилларининг фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, "Миллий хунармандчилик — миллий қадрият сифатида", "Миллий хунармандчиликнинг бандлик муаммосини ҳал қилишдаги ўрни", "Маҳаллаларда касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари", "Оилавий тадбиркорлик — фаровон турмуш гарови", "Ёшлар миллий анъаналаримиз давомчиси", "Оилавий муносабатларда миллий урф-одат ва анъаналарнинг ўрни" каби мавзулардаги тадбирлар ташкил этилиб, уларда партия фаоллари, уста-хунармандлар, аёллар ва ёшлар фаол иштирок этаётди. Тадбирларда халқ хунармандчилигининг ноёб турлари, мактаблари ҳақида иштирокчиларга кенг маълумотлар берилиб, хотин-қизларнинг хунармандчилик ва касаначилик фаолиятларини кенгайтириш, коллеж битирувчиларини касб-хунарга йўналтириш, уларни ота-боболаримиздан мерос қадриятлар, миллий хунармандчиликка нисбатан ҳурмат-эътибор руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, миллий хунармандчилигимиз — халқимиз фаровонлигининг муҳим омилidir.

Хафиза ЙЎЛЧИЕВА,
ЎзМТДП Гулистон туман
кенгаши раиси

Миллий таомлар фестивали

балиқ ва бақлажон уйғунлигидаги тофу пао, товукли гунабау, мол гўшtidан тайёрланган баоцзи сингари йиғирмага яқин миллий таомларимиз билан қатнашдик, — дейди хитойлик ошпаз Вонг Су Тау. — Улар кўпчиликка маъқул келганидан хурсандимиз. Фестивалда турли халқларнинг урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишиб, катта таассурот олдик.

"Тасанно — 2015" доирасида юртимизнинг турли ҳудудларига хос миллий либослар намоиши, рангтасвир усталарининг ижодий ишлари кўрғазмаси ҳам бўлиб ўтди. Турли миллат маданият марказларининг бадий жамоалари иштирокидаги концерт барча завқ бағишлади.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish"
муҳбири

ТИББИЙ МАСЛАХАТ

Хуштаъм, серсув ва фойдали мева

Нок саломатлик учун зарур бўлган — антиоксидант, минерал ва витаминларга бой мева. У озуқа манбаи ҳамдир. Мунтазам нок истеъмол қилиш ичак саратонининг олдини олади, организмни ортикча вазн ҳамда холестериндан халос этади.

Нок гарчи паст калорияли мевалар сирасига кирса-да, унинг энергетик қиймати 100 граммга 58 килокалорияни ташкил этади. Нокда етарли миқдорда С витамини мавжуд. Унинг 100 граммда ушбу муҳим витамин кунлик истеъмол миқдорининг 7 фоизи мавжуд. Шунингдек, нок таркибда оз миқдорда бета-каротин, лютеин ва зеаксантин мавжуд. Улар С ва А витаминлари билан бирга организмни зарарли моддалардан муҳофаза қилади. Нок бир қатор минераллар — мис, темир, калий, магний ва В витаминлар мажмуаси манбаи ҳамдир.

Айниқса, чинни нок серсув: пишгани қизғишроқ тусда бўлади. У меъда ва жигар фаолиятини яхшилайдди, иштаҳани очади, қон босимини пасайтиради, чанқоқни босади. Унинг хамирга ўраб пиширилгани қони фойда. Бирок чинни нок кексаларга, куланж касали билан оғирган беморларга ва мижози совуқ кишиларга тавсия этилмайди. Сувсиз жойларда ёки даштда ўсадиган нок дарахтининг меваси майда, таъми тахир бўлади. Бундай нокнинг қуритилгани талқон қилиб ейилса, ич кетишининг қолдиради. Жароҳатларга сепилса, тез тусалади. Шири нок иссиқ ва совуқ мижозли кишиларга ҳам бирдек фойдалидир. Нок егандан кейин совуқ сув ичиш мумкин эмас.

БИЛАСИЗМИ?


● Дунёдаги энг катта китоб Амстердам шаҳрининг музейларидан бирида сақланади. Бу "Денгиз қондалари тўплами" бўлиб, унинг эни бир, қалинлиги қарийб ярим метр, узунлиги ўрта бўйли кишидан ҳам баланд.

● Дунёдаги энг оғир китоб Лондоннинг Британия музейида сақланадиган географик атлас ҳисобланади: бўйи бир метрдан ортиқ, оғирлиги 320 килограмм.

ТУРФА ОЛАМ

Ошпаз — робот

Лондоннинг "Moley Robotics" компанияси ошхонада овқат тайёрлаш имкониятига эга роботни оммага кўрсатди.



Робот ошхона плитасига маҳкамланган, деярли барча идиш-товуқ ва техника воситалари билан ишлаш имкониятига эга иккита механик қўлдан иборат. Ҳар бир ҳаракатланувчи қўл 20 двигател, 24 шарнир ҳамда 129 хисоблагич билан жиҳозланган. Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган робот технологиялари кўрғазмасида мазкур ускунанинг тақдироти бўлиб ўтди. Кўрғазмада робот британиялик журналистлар учун шўрва тайёрлаб берди. Бунинг учун унга 30 дақиқа кифоя қилди. Компания ускунани 2017 йилда сотувга чиқаришни режалаштирмоқда. Унинг нархи тахминан 15 минг доллар бўлиши кутилмоқда.

Соч олдириш текин, фақат...

АҚШнинг Айова штатидаги кичик шаҳарчада яшовчи сартарош Кортни Холмс округдаги болалар тарбиясига ўз ҳиссасини қўшишга қарор қилди.

Бунинг учун у антиқа усул ўйлаб топди: болаларга уларнинг сочини текинга олиб қўйишни таклиф қилди. Фақат бир шарт билан. Шарт шуки, сартарош болаларнинг сочини калталаётган вақтида, улар қандайдир хикояни ёки китобдан бир парчани овоз чиқариб ўқишлари керак. Бу билан сартарош болаларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш, уларда ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш кўникмасини шакллантиришни ният қилган. Китоб ўқиш орқали замонавий ва ўзига хос соч турмагига эга бўлишни истовчи болаларгина эмас, балки катталар орасида ҳам Холмснинг мижозлари сезиларли ошди.

Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади.

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши партия Нишон туман кенгаши раиси Азамат Панжиевга турмуш ўртоғи
Шаҳло АБАЗОВанинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг набатдаги сони 7 октябрь, chorshanba кунини чиқади.